

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВА ФАРИДА АЛЛАЁР ҚИЗИ**

**ЛУҒАТЛАРДА СИНОНИМ ЛЕКСЕМАЛАР ТАЛҚИНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Гулистон – 2023**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctoral of philosophy(PhD)  
on philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

<b>Саидова Фарида Аллаёр қизи</b> Луғатларда синоним лексемалар талқини.....	3
<b>Saidova Farida Allayor qizi</b> Interpretation of synonyms lexemes in dictionaries.....	27
<b>Саидова Фарида Аллаёр қизи</b> Толкование синонимов лексем в словарях.....	49
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> <b>List of published works</b> Список опубликованных работ.....	54

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САИДОВА ФАРИДА АЛЛАЁР ҚИЗИ**

**ЛУҒАТЛАРДА СИНОНИМ ЛЕКСЕМАЛАР ТАЛҚИНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Гулистон – 2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида Б2021.2.PhD /Fil1905 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.guldu.u) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович  
Филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кўчимов Шухрат Норқизилевич  
Филология фанлари доктори, профессор

Шарипов Фазлиддин Галиевич  
Филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.Fil.91.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил "06" январ куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе, Тел.: (67) 225-40-42. e-mail: glsu\_info@edu.uz)

Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (10 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе, Тел.: (67) 225-40-42).

Диссертация автореферати 2022 йил "26" 12 куни тарқатилди.

(2022 йил "26" 12 даги 10 - рақамли реестр баённомаси).



Н.А.Раҳмонов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси уринбосари, филология фанлари доктори, профессор

М.Р.Маматкулов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори, доцент

А.Э.Маматов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида лингвистика бўйича фундаментал тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш йўналишида амалий тадқиқотларга кенг аҳамият бериб келинмоқда. Хусусан, лексик-семантик аспектда бажарилган тадқиқот ютуқларидан назарий ва амалий лексикография соҳасида кенг фойдаланиш зарурати ортиб бормоқда. Синонимия муносабати ҳар доим луғатшуносликнинг эътибор марказида бўлиб келган. Синонимларнинг луғатларда берилиши ва уларни тил корпусларида теглаш масалалари тилшуносликнинг бугунги долзарб вазифаларидан.

Дунё тилшунослигида лексик семасиологиянинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган сўзлараро лексик-семантик муносабатлар борасидаги янгиликлар, назариялар диққатга сазовор. Синонимия муносабатига деярли барча тилларда тадқиқот объекти даражасида қарлаши янги илмий қарашларни пайдо қилади. Хусусан, синонимлараро семантик фарқларнинг очилиши, улар орасидаги коннотатив фарқларнинг муайянлаштирилганлиги, синонимик birlikлар орасидаги градуонимик қонуниятнинг мутлақ ҳодиса эканлиги ҳақидаги қарашларнинг устуворлашиб, илмий оммалашганлиги янги амалий натижаларнинг қўлга киритилишига олиб келди. Синонимлар семантикасида ҳатто семик таҳлиллардан эмик таҳлилларга ўтилаётганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далили.

Ўзбек тилшунослигида бу масалада юксак эътирофга лойиқ ютуқлар қўлга киритилган. Бироқ тилнинг ижтимоий табиатлиги ҳисобга олинса, луғатларни яратиш, уларни такомиллаштириш, луғат базасини бойитиб бориш ҳамиша долзарблигича қолаверади. Зотан, “ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак”<sup>1</sup> экан, ҳар қандай билимни эгаллашда ҳар бир тилнинг луғат бойлиги акс этган луғатларга бағишланган лексикографик тадқиқотларга эҳтиёж ортиб бораверади. Шу жиҳатдан лексик синонимларнинг лексикографик хусусиятларига бағишланган ишларнинг камлиги ҳам ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997 сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850 сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратadbирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084 сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан сўзланган нутқ / Ҳалқ сўзи, № 218-сон, 22.10.2019.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479 сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу диссертация ишида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида лексикология ва лексикография соҳаси бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Лексикография бўйича умумий филологик ҳамда соҳавий луғатларнинг аҳамияти, уларни тузиш, лексикологик бирлик – синоним лексемалар, шунингдек, уларни махсус филологик ёки таржима луғатларда келтириш, бирликларни изоҳлаш бўйича салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган, қатор ютуқлар қўлга киритилган. XX асрнинг ўрталарига келиб жаҳон тилшунослигида лексикографик назария яратиш зарурати туғилди. В.В.Морковкин<sup>2</sup>, ундан сўнг Л.Мёрфи<sup>3</sup>, П.Эдмондс, Г.Хирст<sup>4</sup>, С.Фелбаум<sup>5</sup> каби олимлар томонидан корпус луғатларига доир салмоқли тадқиқот ишлари олиб борилди. Ҳ.Бергенхольтз<sup>6</sup>, Д.Босман<sup>7</sup>, Ф.Ҳаусман<sup>8</sup>, Ж.Лёнс<sup>9</sup> каби олимлар синонимлар, уларнинг маънолари, луғатлар билан боғлиқ илмий изланиш олиб боришган ва ўзларининг қимматли фикрларини билдиришган.

Миллий тилшунослигимизда ҳам луғатчиликка эътибор тилшуносликнинг энг муҳим тармоғи сифатида Маҳмуд Қошғарий давриданоқ бошланган. Ўзбек луғатчилиги икки – назарий ва амалий йўналишда ривожланган. Луғатчиликнинг назарий муаммоларига — луғатшуносликка ҳам маълум даражада эътибор қаратилган ва луғатларнинг маълум лексикографик масалаларини ҳал этишда орттирилган тажрибаларни,

<sup>2</sup> Морковкин В.В. Основы теории учебной лексикографии: Дисс. ...филол. наук. – Москва, 1990. –162 с.

<sup>3</sup> Murphy M.L. Semantik relations and lexicon. // CUP. 2003. Synonymy. ELL. – P. 376-378.

<sup>4</sup> Edmonds P, Hirst G. Near-synonymy and lexical choice. // Computational Linguistics, 2002, MIT Press. № 28 – P. 105-144

<sup>5</sup> Fellbaum C. WordNet: An electronic lexical database. – Cambridge, MA: MIT Press, 1998.– 423 p.

<sup>6</sup> Bergeholtz Henning. Klassifikation in der Linguistik und in der Lexikographie: Wortarten und Wortverbindungen. Zeitschrift für Anglistik und Amerikanistik 53.3, 2009, 275–288.

<sup>7</sup> Bosman D.B. et al. (eds.) Tweetalige woordeboek/Bilingual Dictionary. – Cape Town: Tafelberg, 1984.

<sup>8</sup> Hausmann Franz Josef. 1990. The dictionary of synonyms: discriminating synonymy. Hausmann, F.J. et al. (eds.) 1989-1991. Wörterbücher. Dictionaries. An International Encyclopedia of Lexicography. Berlin: De Gruyter, 1067-1075.

<sup>9</sup> Lyons John. Introduction to theoretical linguistics: Cambridge, “Cambridge University Press”. – 1968.

соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга бағишланган илмий ишлар амалга оширилган.

Ўзбек тилшунослигида лексик бирликларнинг лексикографик хусусиятларига бағишланган қатор тадқиқотлар мавжуд. Ўзбек тилшунослигининг анъанавий босқичида синонимлар билан боғлиқ масалаларни Я.Д.Пинхасов<sup>10</sup>, З.Маъруфов, С.Усмонов, Ф.Камолов, А.Ҳожиёв, У.Раҳматуллаев каби тилшунос олимлар тадқиқотларида учратиш мумкин бўлса, систем-структур тилшунослик нуқтаи назаридан Ш.Раҳматуллаев<sup>11</sup>, Э.Бегматов, И.Қўчқортоев, Р.Расулов, С.Ғиёсов, Б.Жўраев, Р.Сафарова, М.Нарзиева, Ш.Орифжонова, З.Юнусова, Ҳ.Саидова, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов<sup>12</sup> каби олимлар синонимларни структур-семантик жиҳатдан таҳлил қилишган. Тилшунос олимлар Ш.Бобожонов<sup>13</sup>, Ғ.Раҳмонов<sup>14</sup>, А.Эшмуминов<sup>15</sup>, Б.Даниёров<sup>16</sup> лексик синонимларнинг луғатларда берилиши билан боғлиқ изланишлари ҳам лексикология, ҳам лексикография соҳасида сезиларли янгиликларни олиб кирди. Ушбу тадқиқотларда лексик синонимлар атрофлича ўрганилган бўлишига қарамай, ҳали ўзининг тўлиқ ечимини топмаган қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, ўзбек тилшунослигида айнан лексик синонимлар, уларнинг изоҳи ва лексикографик талқинида даражавий ёндашув бўйича тадқиқотлар мавжуд эмас. Шу сабабдан ўзбек тилшунослигида лексик синонимларнинг изоҳли, таржима ва махсус филологик луғатларда берилиши ва уни такомиллаштириш ўз тадқиқини кутаётган масалалардан.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбек тилидан амалий фойдаланиш самарадорлиги муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилидаги лексик синонимларнинг луғатларда берилиши, семантик тавсифини такомиллаштириш асосида уларни ўзбек лексикографиясида яратилиши кўзда тутилаётган луғатлар учун пайдо бўладиган лингвистик муаммоларни очиб беришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

<sup>10</sup> Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Лексикология ва фразеология (Педагогика институтлари филология факультетларининг сиртки бўлим студентлари учун қўлланма). – Тошкент: Ўқитувчи, 1969. – 80 б.

<sup>11</sup> Раҳматуллаев Ш. Семик таҳлил ва лексик синонимияни таърифлаш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: 1979, № 5. 55 б.

<sup>12</sup> Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Олий ўқув юрти талабалари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 128 б.

<sup>13</sup> Бобожонов Ш.Х. Семема, унинг нутқий воқеланиши ва изоҳли луғатдаги талқини: Фил.фан.номз...дисс. – Қарши, 2003. – 157 б.

<sup>14</sup> Раҳмонов Ғ.Р. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати: Филол.фан.б. фал.док...дисс. – Фарғона, 2019. – 156 б.

<sup>15</sup> Эшмуминов А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси: Филол.фан.б. фал.док. ...дисс. – Термиз, 2019. – 137 б.

<sup>16</sup> Данияров Б. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик талқини: Филол.фан. д-ри...дисс. – Самарқанд, 2020 – 227 б.

ўзбек тили луғатларида синоним лексемаларнинг берилиши ва ундаги муаммоларни аниқлаш;

таҳлил натижасида аниқланган камчиликлар юзасидан изоҳли луғатни такомиллаштирувчи таклифлар бериш;

лексиқадаги даражаланиш қонуниятининг лексикографик аҳамиятини ёритиш;

ўзбек тили умумий изоҳли луғатларида синоним сўзларни изоҳлашга даражали ёндашувни далиллаш;

синонимлар изоҳли луғатларида синонимик қатор тузишнинг таснифларини ишлаб чиқиш;

ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча таржима луғатларида синоним лексемаларни бериш муаммоларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, таржима, махсус филологик луғатлардаги лексик синонимлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек тили лексик синонимларининг лексикографик талқини ва тавсифи, даражаланиш хусусиятлари, таржима билан боғлиқ маънолари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда статистик таҳлил, таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, компонент, этнолингвистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилган лексик синонимларнинг лексикографик талқинига доир қисмда кўрсатилган, аммо луғатда амал қилинмаган *қ.*, *айн.* услубий белгилари орқали изоҳлашдаги иккита лексик дублет ва вариантдош сўзларнинг чегараси билан боғлиқ мунозарали ўринлар аниқланиб, уларни бартараф этишда лексик дублетлар учун *дубл.* услубий белгиси, вариантдош сўзлар учун *вар.* услубий белгисини қўллаш зарурлиги асосланган;

ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча таржима луғатларида синоним лексемалар берилишининг таржима учун танланган сўз изоҳида лексик синонимларга ҳавола бериш, синонимик қатордан ўринли деб топилганларини киритиш усулидан фойдаланиш ҳолатлари устунлик қилиши, синонимия ва полисемия ҳодисаларининг изоҳларда қоришиб кетиши аниқланган ва таржима жараёнида синонимларга даражавий ёндашув усулининг сўз маъноларини муайянлаштириши далилланган;

ўзбек тили умумий изоҳли луғатларидаги синоним лексемалар талқинига градуонимик ёндашув жорий этилиб, махсус ифодалар (*-роқ* қиёслаш, *-ча* кичрайтириш, *-гина* кичрайтириш-эркалалаш қўшимчалари, *кичик*, *катта*, *жуда* сўзлари, *...га қараганда*, *...га нисбатан*, *...га кўра* каби қурилмалар) изоҳда даражавий ўсиш ёки камайишни ифодалашдан фойдаланиш зарурати асосланган;

“Ўзбек тили синонимлар луғати” учун синонимик қаторни шакллантиришда бош сўзни танлашнинг *мўътадиллик*, *фаоллик*,



*бирикувчанлик* мезонлари ишлаб чиқилиб, изоҳларга татбиқ этиш зарурати асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

синоним лексемаларнинг луғатларда берилиши билан боғлиқ масалалар умумий изоҳли луғат ва махсус лингвистик луғатлар асосида синонимларнинг услубий белгилар ҳамда ҳавола йўли билан берилиши аниқланган;

синоним лексемаларнинг таржима луғатларида даражаланиш хусусияти акс этган ўринларда градуонимик муносабатни ифодалай оладиган лексик бирликларни танлаш хусусида тавсиялар ишлаб чиқилган;

синоним лексемаларнинг умумий изоҳли луғатларда сўзлараро лексик-семантик муносабатларнинг фақат анъанавий турлари акс этганлиги аниқланган;

синоним лексемаларнинг даражаланиш хусусияти акс этган ҳолларда умумий изоҳли луғатлар учун танланган изоҳлар учун махсус лингвистик қурилмалар ишлаб чиқилган;

“Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” учун синонимик қаторларда бош сўзни танлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

синонимик қаторларни шакллантириш учун синонимик қатор таснифлари ишлаб чиқилган;

таржима луғатларида синоним лексемаларнинг семантик тавсифларининг акс этиши масаласи кўриб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўрганилган материалларнинг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга ёрдам берганлиги, уларнинг асосли эканлиги, методологик мукамаллиги, ўзбек тили изоҳли луғатида берилган синоним лексемаларни семантик теглаш тамойилларини яратишда амалда исботланган манбаларга таянилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўзбек тилининг изоҳли луғатини таҳрир қилишда, бойитишда, амалий самарадорлигини оширишда илмий-назарий ҳамда амалий манба бўлиши, ўзбек тили корпусларини яратишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишда, компьютер лингвистикаси йўналишида тадқиқотлар яратишда ҳам илмий-назарий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти амалий тилшунослик бўлимларидан бири – лексикография соҳасини фан сифатида ўқитиш жараёнида дастур, режалар тузиш ҳамда мавзуларни баён этишда, ўқув луғатлари тузишда манба вазифасини ўташи билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, таржима ва махсус филологик луғатларида берилган лексик синонимлар таҳлили, тавсифи ҳамда тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да берилган лексик синонимларнинг лексикографик талқинига доир қисмда кўрсатилган, аммо луғатда амал қилинмаган қ., айн. услубий белгилари орқали изоҳлашдаги иккита лексик

дублет ва вариантдош сўзларнинг чегараси билан боғлиқ мунозарали ўринлар аниқланиб, уларни бартараф этишда лексик дублетлар учун дубл. услубий белгиси, вариантдош сўзлар учун вар. услубий белгисини қўллаш зарурлиги асосланганига доир маълумотлардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимида бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 3 майдаги 17.01/120-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа сўз ясовчи қўшимчалар билан ясалган синоним лексемаларга доир маълумотлар билан бойитиш имконини берган;

“Ўзбек тили синонимлар луғати” учун синонимик қаторни шакллантиришда бош сўзни танлашнинг мўътадиллик, фаоллик, бирикувчанлик мезонлари ишлаб чиқилиб, изоҳларга татбиқ этиш зарурати асосланганлигига доир хулосаларидан 5220100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавр таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигида (2018) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сонли буйруғига мувофиқ 274-312 рақами асосида рўйхатга олинган). Натижада дарслик сўзлардаги бир ва кўп маъноlilik, умумий ва хусусий, бош ва ҳосила маънолар ҳамда синонимлик ҳодисасини таҳлил ва тасниф қилишга доир илмий-назарий маълумотлар билан бойитиш имконини берган;

ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча таржима луғатларида синоним лексемалар берилишининг таржима учун танланган сўз изоҳида лексик синонимларга ҳавола бериш, синонимик қатордан ўринли деб топилганларини киритиш усулидан фойдаланиш ҳолатлари устунлик қилиши, синонимия ва полисемия ҳодисаларининг изоҳларда қоришиб кетиши аниқланган ва таржима жараёнида синонимларга даражавий ёндашув усулининг сўз маъноларини муайянлаштириши далилланганига доир хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган И-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” номли инновацион лойиҳада фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУнинг 2022 йил 23 майдаги 01/4-970-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсолларни акс эттирувчи лексик синонимлар билан бойитиш имконини берган;

ўзбек тили умумий изоҳли луғатларидаги синоним лексемалар талқинига градуонимик ёндашув жорий этилиб, махсус ифодалар (-роқ қиёслаш, -ча кичрайтириш, -гина кичрайтириш-эркалаш қўшимчалари, кичик, катта, жуда сўзлари, ...га қараганда, ...га нисбатан, ...га кўра каби қурилмалар) изоҳда даражавий ўсиш ёки камайишни ифодаланишдан фойдаланиш зарурати асосланганига доир илмий хулосалардан “Ўзбекистон” ДМ телерадиоканалида эфирга узатилган “Миллат ва маънавият”, “Таълим ва

тараққиёт” номли эшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзМТРК “Ўзбекистон телерадиоканали” ДУКнинг 2022 йил 09 августдаги 04-36-1288-сон маълумотномаси). Натижада дастур учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** 6 та халқаро конференция, 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан чоп этилган 6 та илмий мақола (уларнинг 4 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тасарруф этган илмий журналларда, 2 таси хорижий журналларда) ва тезисларда ўз ифодасини топди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, янгиллиги, назарий ва амалий аҳамияти, объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Синоним лексемаларнинг лексикографик талқини муаммолари”** деб номланиб, унда лексик синонимларнинг ҳозирги ўзбек тилининг изоҳли луғати ҳамда синонимлар изоҳли луғатларида берилиши ва у билан боғлиқ муаммолар ёритилган. Бобнинг *“Жаҳон тилшунослигида лексик синонимларнинг лексикографик талқини масаласи”* деб номланган биринчи фаслида синонимия ҳодисаси, унинг жаҳон тилшунослигида пайдо бўлиши, ўрганилиши, лексикографик тадқиқот манбаи сифатида қаралиши ҳақида фикр юритилади.

Лексик синонимларнинг дунё тилшунослигида ўрганилиши қадимги Юнонистон антик фалсафасидан бошланади. Қадимда юнон фанлари ичида нотиклик энг муҳим фанлардан ҳисобланган, юнон файласуфлари ҳар бир нотик стилистика ва синонимияни чуқур ўрганиши лозим деб ҳисоблаган. Бу ҳақида Платон ўзининг “Кратил” асарида Сукрот билан нотиклик хусусидаги муаммоларга жавоб излайди ҳамда стилистика, синонимия нотиклик учун муҳим соҳалар эканлиги таъкидлайди. Синонимияга оид ишлар мил.авв. VI-V асрларда пайдо бўлган. Хусусан, милоддан аввалги V асрда синонимлар

назариясини ишлаб чиққан Продик омоним ва синонимларни яхши билиш нотик ва шоирлар учун муҳим эканини қайд этган<sup>17</sup>.

Синоним ва улар билан боғлиқ луғатлар тузиш масалаларини милондинг бошларида Хитой тилшунослигида учратиш мумкин. Улар шоирлар фойдаланиши мумкин бўлган биринчи синонимлар луғатини тузишган. Бундан ташқари, араб тилшунослигида ҳам синонимларга доир лексикографик асарлар мавжуд. Буюк мутафаккир Абу Райхон Беруний ҳам ўз асарларида ҳинд тилшунослиги мисолида синонимия ҳодисасига тўхталиб, фикрларини аниқ мисоллар билан асослайди<sup>18</sup>.

Бу даврда жуда кўплаб синонимияга доир луғатлар яратилди. Ушбу даврда синонимиянинг тадқиқига И.И.Давидов, Д.П.Калайдович, М.В.Ломоносов, И.Фонвизин ва бошқалар<sup>19</sup> луғатчилик ҳамда синонимларни текшириш орқали ўзларининг муносабатларини билдирдилар.

Европа тилшунослик мактаби матн лингвистикаси бўйича ҳам жуда катта сезиларли тадқиқотлар амалга оширмоқда. Жумладан, синонимларнинг фақат лексемалар ўртасида эмас, балки матндаги баъзи қурилмалар доирасида ҳам мавжуд бўлиши, бунда синонимлар луғатининг ёрдамга келиши ҳақида қарашлар пайдо бўлди. Ҳ.Бергенхольтз<sup>20</sup>, Д.Босман<sup>21</sup>, Ф.Ҳаусман<sup>22</sup>, Ж.Лёнс<sup>23</sup> каби олимлар синонимлар ва уларнинг маънолари, луғатлар билан боғлиқ илмий изланиш олиб боришган ҳамда қимматли фикр-мулоҳазаларни билдиришган.

Тадқиқотлар натижасида тилдаги барча лексик-семантик қатламга доир луғатлар яратиб бўлинган ва улар устида қайта ишланиб, давр учун мослаб фойдаланувчиларга тақдим қилинмоқда. Синонимлар луғатлари тил назариясини чуқур ўрганишда, чет тилини ўрганувчиларнинг сўз бойлигини оширишда, таржимонларга матн мазмунига хос сўзнинг жилоли вариантларини танлашда катта ёрдамчи эканлиги билан муҳим аҳамиятга эга<sup>24</sup>. Рус тилшунослигида “Словарь синонимов”<sup>25</sup>, инглиз тилида

<sup>17</sup> Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. – Б. 22.

<sup>18</sup> Ўринбоев Ў., Мусаев А. Умумий тилшунослик. Маърузалар матни. – Жиззах, 2006. – Б. 72.

<sup>19</sup> XVIII ва XIX асрларда синонимлар луғатини тузишда Д.И.Фонвизиннинг хизматлари улкан. Шунингдек, Н.Абрамовнинг 1890 (1-нашр), 1915 (4-н.), 1994 (5-н.) йилларда чоп этилган “Словарь русских синонимов и сходных по смыслу выражений” – Москва: Русские словари, 1994. – 502 с.; 1840 йилда А.И.Галичининг “Словарь русских синоним или сословов, составленный редакцией нравственных сочинений” (226 словарных статей) издание в виде книги (I часть), П.Ф.Калайдовичнинг 1818 йилда нашр этилган “Опыт словаря русских синонимов” (77 групп синонимов) издание в виде книги (I часть), 1783 йилда Д.И.Фонвизин томонидан нашр этирилган “Опыт российского сословника” (32 группы синонимов) журнал “Собеседник Любителей Российского Слова” (ч. I, IV, X) асарларини эътироф этиш керак.

<sup>20</sup> Bergenholtz Henning. Klassifi kationen in der Linguistik und in der Lexikographie: Wortarten und Wortverbindungen. Zeitschrift für Anglistik und Amerikanistik 53.3, 2009, 275-288.

<sup>21</sup> Bosman D.B. et al. (eds.) Tweetalige woordenboek/Bilingual Dictionary. Cape Town: Tafelberg, 1984.

<sup>22</sup> Hausmann Franz Josef. 1990. The dictionary of synonyms: discriminating synonymy. Hausmann, F.J. et al. (eds.) 1989-1991. Wörterbücher. Dictionaries. An International Encyclopedia of Lexicography. Berlin: De Gruyter, 1067-1075.

<sup>23</sup> Lyons John. Introduction to theoretical linguistics: Cambridge, “Cambridge University Press”. – 1968.

<sup>24</sup> Жумабаева Ж. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия: Филол.фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 2016. – Б. 82.

<sup>25</sup> Словар синонимов. Справочное пособие. – Ленинград: Изд. “Наука”, 1975. – 648 с.

синонимлар луғатлари жуда кўп бўлиб, улардан айнан инглиз тили синонимлари луғати “Webster’s New Dictionary of Synonyms”, икки тилли синонимлар луғати: Й.Д.Апресян, В.В.Ботякова, Т.Э.Латишева ва бошқаларнинг “Англо-русский синонимический словарь” каби луғатларини мисол сифатида кўрсатиш кифоя. Ҳозирги кунда жаҳон тилшунослигида сўнгги йилларда китоб шаклидаги луғатлардан ташқари онлайн луғатлар ва WordNetда синонимларни жойлаштириш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда. Л.Мёрфи<sup>26</sup>, П.Эдмондс, Г.Хирст<sup>27</sup>, С.Фелбаум<sup>28</sup> каби олимлар томонидан корпус луғатларига доир салмоқли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ҳамда ўз ишларида синонимларга оид, уларнинг даражаланиш хусусиятларига доир маълумот ва исботларни келтиришган.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Ўзбек тилшунослигида лексик синонимларнинг лексикографик талқини муаммоси” деб номланган. Бу фаслда ўзбек тилшунослигида синонимия ҳодисасига турлича ёндашув, унинг ўрганилиши билан боғлиқ масалалар ҳамда лексик синонимларнинг ўзбек луғатчилигида тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида, синонимия ҳодисасининг лексикографик тадқиқот объекти даражасида ўрганилиши хусусида сўз боради.

Шаклан ҳар хил, мазмунан бир хил сўзлар қаторининг муайян ўхшашлик асосида ўзаро боғланиши, бу birlikлар орасидаги фарқлар, уларнинг табиати ва юзага чиқиш сабаблари махсус илмий ишларда, ўнлаб қўлланма ва дарсликларда ўз ечимини топган<sup>29</sup>.

Синонимиянинг ўзбек тилшунослигидаги тадқиқи тилшунос олимлар С.Усмонов<sup>30</sup>, Н.Ражабов, У.Турсунов, Р.Юнусов<sup>31</sup>, А.Дониёров<sup>32</sup>, И.Қўчқортоев, М.Асқарова, А.Ҳожиёв<sup>33</sup>, С.Акбаров, А.Бердиалиев, Я.Пинхасов, Р.Жуманиёзов ишларида кўринади. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб синонимларни турли сатҳ ва ҳар хил аспектда ўрганиш фаоллашди. Жумладан, М.Асқарова, М.Қосимова, Ҳ.Жамолхонов каби тилшунослар лексик синонимларни уч тур: лексик, фразеологик ва лексик-фразеологик маънодошликка ажратган. Тадқиқотчилар томонидан қайта ишланган, тўлдирилган нашрларда *маънодошлик* термини *синоним* терминига алмаштирилган. Ўзбек тилшунослигида фразеологик синонимлар Ш.Раҳматуллаев томонидан махсус тадқиқ қилинган. Юқоридаги олимлар

<sup>26</sup> Murphy M.L. Semantik relations and lexicon. // CUP. 2003. Synonymy. ELL. P. 376-378.

<sup>27</sup> Edmonds P, Hirst G. Near-synonymy and lexical choice // Computational Linguistics, 2002, MIT Press. № 28 – P. 105-144.

<sup>28</sup> Fellbaum C. WordNet: An electronic lexical database. – Cambridge, MA: MIT Press, 1998. – 423 p.

<sup>29</sup> Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 105.

<sup>30</sup> Усмонов С. Умумий тилшунослик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. – 204 б.

<sup>31</sup> Юнусов Р. Полисемия и синонимия имён существительных места в современном узбекском литературном языке. АКД. – Ташкент, 1974.

<sup>32</sup> Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке. АКД. – Самарканд, 1967. – 18 с.

<sup>33</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 4-10.

билан қаторда М.Одилов, М.Ўринбоев, Н.Маҳкамовлар тилда синонимлар мавжудлигининг плеоназмга ҳам таъсири борлиги<sup>34</sup>ни таъкидлашган.

Ўзбек тилшунослигида синонимларнинг луғатларда акс этиши масалаларига доир дастлабки тадқиқотлар XI асрда Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғоти-т-турк” асарида кўзга ташланади. Масалан, *ўлўк* сўзига берилган изоҳда *ҳисса*, *қисмат*, *насиба* каби контекстда тенг қўлланувчи синонимлар; *ўпум* сўзига берилган изоҳда *ютум*, *қултум* каби тенг қўлланувчи синонимлар аниқ кўрсатиб берилган<sup>35</sup>.

Лексик синонимлар ва унга ёндош ҳодисаларнинг луғатларда берилиши тилшунос А.Ҳожиёвнинг амалий тадқиқотларидан бошланади. Унинг 1974 йилда нашр этилган “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати” бу борадаги катта қадам, ўзбек тили синонимларининг чинакам таҳлили бўлди.

XX аср 90-йиллари ва ундан кейинги даврда лексик синонимларнинг лексикографик талқини юзасидан ўзбек тилшунослигида илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борилди. Тилшунос олимлар О.Базаров, Ш.Орифжонова, Ш.Бобожонов, Ғ.Раҳмонов, А.Эшмуминов, Б.Даниёров лексик синонимларнинг луғатларда берилиши билан боғлиқ изланишлари ҳам лексикология, ҳам лексикография соҳасида сезиларли янгиликларни олиб кирди. XX асрнинг 90-йилларидан кейин сўзлардаги иерархик муносабат туфайли юзага келган гипонимия, партонимия ва градуонимия каби ҳодисалар фанда янги бурилишни ҳосил қилди. Лексик синонимларнинг маъновий таркибида яққол сезилиб турувчи даражаланиш (градуонимия) ҳодисасини алоҳида синонимлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш тилшуносликда кўплаб тадқиқотларнинг яратилишига асос бўлди.

Биринчи бобнинг учинчи фасли “Ўзбек тили луғатларида синоним лексемаларнинг берилиши ва ундаги муаммолар” деб номланган. Ушбу фаслда ҳозирги ўзбек луғатчилигида лексик синонимларнинг берилиши ва у билан боғлиқ муаммолар ёритиб берилган. Жумладан, бу фаслда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (5 жилдли), “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”, “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати”, “Маркетинг терминларининг изоҳли луғати”, “Тарих терминларининг изоҳли луғатлари” текширув объектлари бўлиб хизмат қилди. Табиийки, энг катта лексик қатламни қамраб олувчи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” асосий тадқиқот манбаимиз ҳисобланади.

ЎТИЛда синонимларнинг изоҳланиши бўйича қуйидагича шартли қисқартмалардан фойдаланилган:

*қар.* – (*қаранг*) шартли қисқартмаси орқали берилган лексик синонимлар;

*айн.* – (*айнан*) шартли қисқартмаси орқали берилган лексик синонимлар;  
Бош ва ёндош маънога эга сўзга ҳавола бериш;

*кт.* – (*китобий сўз*, *ибора*) шартли қисқартмаси орқали берилган лексик синонимлар;

<sup>34</sup> Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм. – Тошкент: Фан, 1988. – 90 б.

<sup>35</sup> Маҳмуд Қошғарий. Девони луғоти-т-турк. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон ССР фанлар академияси, 1965. – Б. 102.

*с.т.* – (сўзлашув тилида (оғзаки нутқда) қўлланадиган сўз, ибора) шартли қисқартмаси орқали берилган лексик синонимлар;

*шв.* – (шевага оид сўз, ибора) шартли қисқартмаси орқали берилган лексик синонимлар;

*эск.* – (эскирган сўз, ибора) шартли қисқартмаси орқали берилган лексик синонимлар.

ЎТИЛнинг “Луғатнинг тузилиши ва ундан фойдаланиш” бўлимида луғатда фойдаланилган услубий белгиларга изоҳ берилган. Синоним лексемаларнинг луғатда ифодаланиши билан боғлиқ муаммо шу қисмда намоён бўлади. “Агар сўз бутунлай (яъни бир маъноли бўлса, шу маъносида, кўп маъноли бўлса, барча маъносида) бошқа сўзга алмаштирилган бўлса, унинг маъноси (маънолари) қайд этилмади. Уни қ. (қаранг) ёки *айн.* (айнан) белгиси орқали алмаштирилган сўзга ҳавола этиш билан чекланилди. Мисол:

**СЕКРЕТАР** қ. **котиб.**

**АЛИФБЕ 1** *эск. айн. алифбо...*<sup>36</sup>

Агар бир маъноли сўз бошқа бир шундай маъноли сўзга ҳавола этиладиган бўлса, изоҳланган сўзда ҳеч қандай рақам қўйилмайди. Мисол:

**ИЗН** қ. **рухсат...**

Синонимлар бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланади. Фақат ҳавола этишнинг ўзи билан ана шу фарқларни тўла қайд этиш мумкин бўлавермайди. Демак, сўз маъноси изоҳнинг тўғри ва тўлиқлигига путур етказилмайдиган ҳоллардагина изоҳнинг бу усулини (ҳавола этиш йўлини) қўллаш мумкин. Далилларнинг кўрсатишича, икки ҳолатда шундай йўл тутиш мумкин:

Улардан бири, ўзаро синоним сўзнинг бир-биридан деярли фарқи йўқ бўлган ҳолларда. Бундай сўзларнинг бири қўлланиши жиҳатидан асосий эканлиги сезилиб туради, лекин бирор-бир услубий белги (кенг маънода) қўйилиши талаб этилмайди ҳам. Ана шу сўзга изоҳ берилиб, синоними унга ҳавола этилади. Мас., *илгор*, *пеиқадам* сўзларидан *илгор* сўзига изоҳ берилиб, *пеиқадам* сўзи *айн.* белгиси билан унга ҳавола этилади<sup>37</sup>.

ЎТИЛнинг 16-саҳифасида келтирилган изоҳда ҳозирги кунда бошқа бирор сўз билан алмаштирилган сўз ҳақида гап кетган бўлса, 18-саҳифада синонимлар ҳақида гап борган. Бир хил белгилар орқали иккита турли ҳодисалар изоҳланаётгани луғат фойдаланувчиларида иккиланишни пайдо қилади ва тил таълимида ҳам бу ҳолат юзасидан ўқувчиларда лексик дублетлар ва вариантдош сўзларни бир тушунчага тенглаштириш орқали янглиш билимлар ўзлаштириш эҳтимолини оширади.

**КАБУТАР**

[*ф.* каптар] *кт. айн.* **Каптар.**

<sup>36</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2020. – Б. 16.

<sup>37</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. I жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2020. – Б. 18.

Вариантдош сўзларни келтиришда ҳам *айн.* қисқартмасидан фойдаланилмоқда. *Айнан* белгиси вариантлик ҳодисаси учун мувофиқ. Чунки *кабутар* ва *кантар* сўзлари *айнан* битта сўз ҳисобланади.

### МИНИСТР

[*fr. ministre < lot. minister* – хизматчи, ходим, ёрдамчи] *тап. айн. Вазир.*<sup>38</sup>

*Вазир* ва *министр* сўзларининг айнанлиги шундаки, иккала сўз ҳам муайян давлат ҳукуматидаги мансабдор шахсни билдиради. Лекин *министр* сўзини тарихий сўзга чиқариш тўғри эмас. Чунки бу сўз жаҳон тилларида истеъмомдаги сўз ҳисобланади ва бу сўз ҳозирда ҳам оддий сўзлашув услубида фаол қўлланади.

*Айнанлик* белгисининг ЎТИЛда чегараси аниқ эмас. У вариантдош сўзларни ва лексик дублетларни ифодалаш вазифасини бажаради. ЎТИЛда *айнан* қисқартмаси ўрнида лексик дублетлар учун алоҳида, вариантдош сўзлар учун алоҳида шартли белгидан фойдаланиш лозим. Вариантдош лексемалар учун *вар.* – *вариантдош* сўз шартли қисқартмаси, мутлак синонимия учун *дубл.* – *лексик дублет* шартли қисқартмаси қўлланилса, чегара аниқлашган бўлар эди.

“Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати”да ҳар бир синонимик қатор лексемалари табиатидан келиб чиқилган ҳолда улардаги ижобий ёки салбий баҳо ёхуд муносабат семаси, лексеманинг қўлланиш даврини кўрсатувчи семалар, лексеманинг қўлланилиш доирасини кўрсатувчи семалар, қайси услубга хослик кабилар келтирилган мисол изоҳида тўла қамраб олинмаганлиги кўзга ташланади<sup>39</sup>. Луғатнинг яратилганига салкам ярим аср бўлганлиги сабабли луғатда берилган сўзларнинг маълум қисми ўша даврда эндигина ўзбек тилига кириб келаётган, кенг истеъмомда бўлмаган сўз ва терминларни, муайян қисми эса ҳозирда эскирган сўзларни ташкил этади.

Диссертациянинг “Ўзбек тили луғатларида синоним лексемалар берилишини такомиллаштириш” деб номланган иккинчи бобнинг биринчи фасли “*Лексикада даражаланиш қонунияти ва унинг лексикографик аҳамияти*” деб аталади. Бу фаслда лексик даражаланиш қонунияти ўрганилиши ва унинг лексикографик аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Шу пайтгача лексик ва грамматик категориялар фарқлиқлар устунлигида ажратилди. Иккинчи томондан шакли ҳар хил, маънолари эквивалент (“тенг вазн”даги) айнанликларигина синонимия сифатида ўрганилиб келинди. Бироқ фарқлиқларни шакллантирувчи озайиб ёки кўпайиб борувчи айнанликлар эътибордан четда қолди. *Гўдак* – *бола* – *ўспирин* – *йигит* сўзлари қаторини асосан “ёш” семаси бирлаштиради. Лекин ушбу бирлаштирувчи “ёш” семаси ушбу қатордаги ҳар бир сўз учун турли

<sup>38</sup> Ушбу саҳифадаги мисоллар Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. I, II, III, IV, V жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2020 й. нашридан олинди.

<sup>39</sup> Данияров Б. Ўзбек тили лексик синонимларининг лисоний ва нутқий муносабати, лексикографик талқини: Филол.фан. д-ри...дисс. – Самарқанд, 2020 – Б. 180 б.



даража ифодасидир<sup>40</sup>. Дарҳақиқат, даражаланиш ҳодисаси, асосан, лексемалардаги сифат ва миқдор ўзгаришларида намоён бўлади. Борликда барча мавжудлик ўсувчи ёки камаювчилик хусусиятига эга: ҳаётий қонуниятлардан мисол келтирсак, *тонг, кун, кеча, тун*. Қуёшнинг чиқиши ва ботиши натижасида инсонлар томонидан вақтга қўйилган номларда ҳам ўсиш ва камайиш ҳодисаси мавжуд.

XX асрнинг 80-йилларида замонавий ўзбек тилшунослигида пайдо бўлган гипонимия, партонимия, даражаланиш ҳодисалари сўзларнинг лексик-семантик турларига бўлган назарияларни ўзгартириб юборди. Айниқса, сўзлараро даражаланиш синонимия, антонимия ҳодисаларига бўлган илмий қарашларни янгилади. Даражаланиш қонунияти борликдаги деярли барча нарсада, ҳаракатда, белгида, ҳолатда учрайди. Масалан, *кичик-ўрта-катта* градуонимик қаторидаги поғона кўпгина ҳолатларга мос туша олади: нарса-предметларга нисбатан ҳам, инсонга нисбатан ҳам<sup>41</sup>.

Белгини даражалаб кўрсатувчи сўзларни бирлаштириш тилшуносликда узоқ тарихга эга. Ўзбек тилшунослигида маъноси даражаланувчи сўзлар қаторини алоҳида ҳодиса сифатида ажратишни илк бора биз Алишер Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн” асарида учратамиз. Асарда Навоий “*йиғи*” ҳолатини ифодаловчи даражаланиш қаторини келтиради<sup>42</sup>.

Градуонимия ҳодисасининг тилшуносликда пайдо бўлиши ва тадқиқот ишлари олиб борилиши XX асрнинг охирларига тўғри келади. Ўзбек тилшунослигида даражаланишга доир дастлабки фикрлар Э.Бегматов, Ҳ.Неъматов, Р.Расуловлар томонидан эълон қилинган “Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари)” номли мақолада “Луғавий семантик гуруҳ ичида луғавий морфемалар турли-туман лексик-семантик муносабатлар билан боғланади: гипонимик, партонимик, функционимик, градуонимик, иерархонимик каби муносабатлар шулар жумласидан. Муаллифлардан Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловнинг “Ўзбек тили систем лексикологияси асослари”<sup>43</sup> ўқув қўлланмасида ҳам градуонимияга доир фикрлар умумлаштирилган ҳолда ўқувчиларга тақдим этилди.

XX асрнинг 90-йилларида, айниқса, бу жараён шу қадар тезлашдики, бунинг натижаси сифатида градуонимияга бағишланган тадқиқотлар ҳимояси<sup>44</sup> ҳақида айтишнинг ўзи етарли. Сўзлараро маъновий даражаланишга оид жаҳон тилшунослари томонидан эътироф этилган

<sup>40</sup> Раҳмонов Ғ.Р. Ўзбек тилида луғавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати: Филол.фан.б. фал.док. ...дисс. – Фарғона, 2019. – Б. 147.

<sup>41</sup> Қаранг: Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол.фан. номз...дисс. – Т., 1996. – 113 б.

<sup>42</sup> Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. XVI том. – Тошкент: Фан, 2000.

<sup>43</sup> Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 128 б.

<sup>44</sup> Файзуллаев М. Сравнительно-типологические особенности лексико-семантических групп глаголов психического состояния в русском и узбекском языках: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1994. – 173 б.; Базаров О. Ўзбек тилида даражаланиш: Филол.фан. д-ри...дисс. – Тошкент, 1997. – 270 б.; Орифжонова Ш. Ўзбек тилида луғавий градуонимия: Филол.фан. номз...дисс. – Т., 1996. – 113 б.

фикрларни М.Файзуллаев ўзининг тадқиқоти<sup>45</sup> да батафсил ёритиб беради. Ж.Болинжер инглиз тили мисолида даражаланиш муаммосини ўрганиш жараёнида градацияни 4 та турга ажратади: кўпаювчи, ўсувчи, пасаювчи ва камаювчи каби турларини кўрсатиб ўтади<sup>46</sup>. Ю.Апресян равиш сўз туркумида даражаланиш ҳодисаси кузатилишини ўрганади<sup>47</sup>. И.Червенкова<sup>48</sup> ва Т.Григоренко<sup>49</sup> лар белги-хусусиятларнинг чегаравий чўққиси мавжудлиги ҳақидаги фикрларни бериб ўтишади.

Бобнинг иккинчи фасли “Ўзбек тили умумий изоҳли луғатларида синоним сўзларни изоҳлашга даражали ёндашув” деб номланиб, унда ўзбек тили умумий изоҳли луғатларда лексик синонимлар, уларнинг изоҳида даражаланиш қонуниятининг акс этиши жараёни ёритилди.

Тилшуносликда градуонимия сўзлараро маъновий муносабатларнинг алоҳида бир кўриниши сифатида ажратилгунга қадар, белгини даражалаб ифодаловчи сўзлар сираси синонимлар доирасида ўрганилар эди<sup>50</sup>. Ўтироф этиш жоиз, бир-бирига яқин ва ўхшаш тушунчаларни ифодаловчи даражаланиш қаторини изоҳлашда кичикдан каттага, тордан кенгга, оздан кўпга қараб белгилаш мумкин. Аммо маънодош сўзларда ўта нозик маъно қирралари фарқланувчи, айнан маъновий (идеографик) синонимларнинг изоҳини тузишда бироз қийинчиликка дуч келинади.

ЎТИЛда даражаланиш алоҳида ифода этилмаган бўлса-да, уни акс эттириш мумкин. Луғатда даражаланиш қаторидаги сўзларни изоҳлашда баъзи ишораларни аниқлаш мумкин. Жумладан, маълум бир белгининг оз-кўплиги, турли хил даражаларига ишоралар мавжуд. Лексик синонимларнинг изоҳларида ҳам айрим даражавий ишораларни учратиш мумкин. Масалан, *иноқ-аҳил-қадрдон* синонимик қаторининг ЎТИЛдаги изоҳларида қуйидагилар аниқланди.

**1. ИНОҚ 1** Ўзаро дўстона муносабатда; аҳил.

**2. АҲИЛ** [*а.* – яқин, иноқ] Ўзаро жуда тотув муносабатли, иноқ-иттифоқ.

**3. ҚАДРДОН** [*а.* + *ф.*– кадрина билувчи, баҳо берувчи; яхшиликни билувчи] **1** Ўзаро кадр-эйтиборли, бир-бирини жуда қадрлайдиган.

*Иноқ* сўзининг изоҳида ҳеч қандай ишора мавжуд эмас, бироқ қолган иккита сўзнинг изоҳида *жуда* ёрдамчи сўзи иштирок этган. *Жуда* сўзи *иноққа* нисбатан *аҳил* ва *қадрдон* сўзларидаги белгининг кучли даражада эканлигига ишора қилмоқда.

<sup>45</sup> Файзуллаев М. Сравнительно-типологические особенности лексико-семантических групп глаголов психического состояния в русском и узбекском языках: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1994. – 173 б.

<sup>46</sup> D. Bolinjer. Degree words. The Hague, – P., 1972.

<sup>47</sup> Апресян Ю.Д. Лексическая семантика: Синонимические средства языка. – Москва: Наука, 1974.

<sup>48</sup> Червенкова И.Д. О показателях меры признака ( на материале современного русского языка). София, 1975.

<sup>49</sup> Григоренко Т.Н. Семантические типы интенсификаторов (на материале португальского языка). Лексико-семантическая структура в языке и речевой деятельности. – Москва, 1983.

<sup>50</sup> Файзуллаев М. Сравнительно-типологические особенности лексико-семантических групп глаголов психического состояния в русском и узбекском языках: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1994. – 173 б.

Сўзларнинг изоҳи даражавий ўсувчанлик ёки камаювчанлик асосида келтирилса, куйидаги қурилмалардан фойдаланиш маъқул:

*роқ қиёслаш қўшимчаси;*

*кичик, катта сўзлари;*

*га қараганда, ...га нисбатан, ...га кўра каби қурилмалар;*

*ча кичрайтириш қўшимчаси;*

*гина кичрайтириш-эркалаш қўшимчаси;*

*жуда ёрдамчи сўзи.*

Бундан ташқари “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да синонимларни изоҳлашда қўлланиладиган

*кт.* – (*китобий сўз, ибора*) шартли қисқартмаси;

*с.т.* – (*сўзлашув тилида (огзаки нутқда) қўлланадиган сўз, ибора*) шартли қисқартмаси;

*шв.* – (*шевага оид сўз, ибора*) шартли қисқартмаси;

*эск.* – (*эскирган сўз, ибора*) шартли қисқартмалардан фойдаланилган ва бу услубий белгилар сўзлараро даражаланиш ходисасини қисман бўлса-да, изоҳлаб бера олади. Қисман дейилаётганининг асл сабаби шуки, изоҳлар синонимларга ёндашилган ҳолда тузилган. Соф даражалана олувчи синонимларнинг даражаланиш имконияти назарда тутилмаган. Шунинг учун изоҳларда ҳам мавжуд даражаланиш хусусиятига эга бўлган синонимларнинг шу томони ҳам ёритилиши мақсадга мувофиқ.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да сифат сўз туркумига оид синонимик қатор лексемалари изоҳида даражавий ёндашувга айрим ишораларни учратиш мумкин. Масалан, *кучли – бақувват – забардаст* ифода белгисининг кучига кўра даражаланиш қаторининг ЎТИЛда изоҳлари куйидагича келтирилган:

**1. КУЧЛИ 1** Жисмоний қобилияти, куч-қуввати нисбатан ортиқ; бақувват.

**2. БАҚУВВАТ** [ба. + қувват] **1** Куч-қуввати нормал даражадан ортиқ, зўр жисмоний кучга эга бўлган; кучга тўла, кучли.

**3. ЗАБАРДАСТ** [ф. қўли баланд, кучли; ишбилармон] **1** Жисмоний жиҳатдан бақувват, кучли; қудратли.

Иккинчи бобнинг “Синонимлар изоҳли луғатларида синонимик қаторларни тузиш асослари” деб номланган фаслида ўзбек тили синонимлар луғатлари учун синонимик қатор тузиш асослари, мезонлари ишлаб чиқилди.

Синонимик қаторнинг чегарасини белгилашда бош сўзнинг аҳамияти катта. Бош сўз синонимик қатордаги барча сўзлар билдирган умумий маънони ифодалаши ва барча услублар учун, барча замон учун бир хилда фойдалана оладиган сўз бўлиши лозим. Масалан, *душман, ёв, ганим, агёр, ёғи* синонимик қаторида *душман* сўзи бош сўз сифатида танланган. Чунки у ўз қаторидаги бошқа сўзлар орасида энг кенг қўлланиладиган ва барча услублар учун умумий хосланган сўз.

*Жилмаймоқ, кулимсирамоқ, илжаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, иршаймоқ* синонимик қаторида иккита услубий бетараф сўз мавжуд: *жилмаймоқ ва илжаймоқ*. Ушбу сўзларнинг “Ўзбек тили

синонимларининг изоҳли луғати”да келтирилган изоҳда қуйидагича фикр юритилган: Овоз чиқармай кўз, лаб ҳаракати билан кулги ифода қилмоқ, мийиғида кулмоқ. *Жилмаймоқ* ва *илжаймоқ* сўзлари стилистик жиҳатдан нейтрал ҳисобланади.

Синонимик қаторда бош сўзни белгилашда мавжуд билимлар асосида мўътадиллик, фаоллик, бирикувчанлик мезонларига таяниш мумкин.

*Мўтадиллик.* Бу мезон лексеманинг аташ (денотатив) семаси билан боғлиқ ва у синонимик қаторни тўғри шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

*Фаоллик.* Лексеманининг ифода (коннотатив) семаси орқали аниқлаш мумкин бўлган мезон. Ифода сема лексема таркибида турли қўшимча маъно (услубий бўёқ, шахсий муносабат, қўлланиш доираси ва даври)ни атовчи семема тури.

*Бирикувчанлик.* Лексеманинг функционал семаси ушбу мезон учун асос бўла олади. Лексеманинг бирикув-бириктирув (валентлик) имкониятини, лисоний қолипда қандай ўринни эгаллашини билдирувчи семадир.

Синонимик қаторнинг шакллантиришда бир неча таснифларни ажратиш мумкин:

1. Синонимик қатор аъзоларининг миқдорига кўра.
2. Синонимик қатор аъзоларининг тузилишига кўра.
3. Сўз туркумлари бўйича синонимик қаторлар.
4. Синонимик қатор аъзоларининг бўёқдорлигига кўра.
5. Синонимик қатор аъзоларининг қўлланилиш доирасига кўра.

Синонимик луғатларда изоҳларини шакллантиришда юқорида келтирилган синонимик қатор таснифларини асос қилиб олиш етарли. У ҳолда ҳар бир синонимик қатор аъзолари изоҳида муайян тасниф хусусиятлари сингдирилган бўлиши лозим. Изоҳларни шакллантиришда қуйидаги тартиб ишлаб чиқилди:

1. Синонимик қатор (луғат мақоласининг биринчи қисми).
2. Синонимик қатор учун умумий семема.
3. Синонимик қаторнинг бош сўзи семаси.

4. Синонимик қатор аъзоларини синонимик қатор таснифи асосида изоҳлаш.

5. Синонимик қатор аъзоларининг даражаланувчанлик хусусияти асосида изоҳлаш.

